

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

1 (4) 2024

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOVATI	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> О'ЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> O'ZBEKISTONDA O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING AHOLINI IJTIMOIIY NIHOYA QILISHDAGI FAOLIYATI	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR	66-71

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING AHAMIYATI	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI	137-147
<i>Rahimbayev Akmal Azatboevich</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI	158-170
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI	187-191
<i>Xasanov Boburjon Hakimovich</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	192-197
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI	215-219
---	---------

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI	272-277

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES	302-309
<i>Xodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA	316-322
<i>Aliшаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	323-329

Адембаев Аралбай Куралбаевич

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 330-339

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ
ПЕРСПЕКТИВЫ 340-346

Хаййева Ирода Адамбаевна

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI 347-351

Ayatov Raximberdi Ibragimovich

XORIJIIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH 352-357

Saidova Dilobar Ikrambayevna

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIIY XULQ-ATVORNI
RIVOJLANTIRISH ZARURATI 358-361

Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH
METODIKASI 362-367

Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 368-375

Janonova Sitora Berdinazarovna

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA
TUSHUNCHASINING O'RNI 376-381

Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО
СИФАТИДА 382-387

Bakhadirova Shoxina Nadir kizi

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH 388-392

Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI 393-397

Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION
METODLARI 398-403

09.00.00- ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна

Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар”
кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори
Email: premium.progress@mail.ru

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА

Аннотация. Мақолада Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳозиргача имий жамоатчиликга маълум бўлмаган рубойлари жамланган. “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарини тартибга келтирган ва 137 рубойларини урду тилига шарҳлаган аллома Муҳаммад Содиқ Қусурий ҳаёти ва маънавий мероси ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Баҳоуддин Нақшбанд, сўфий, рубой, шарҳлар, Муҳаммад Содиқ Қусурий.

Navruzova Gulchehra Nigmatovna

Doctor of sciences philosophy, professor.
Bukhara engineering technological institute. (Uzbekistan)

SCIENTIST WHO COMMENTED ON THE RUBAI OF BAKHOUDDIN NAQSHBAND

Abstract. The article provides information about the life and spiritual heritage of the scientist Muhammad Sadiq Kusuri, the author of a book about the ruba of the founder of the teachings of Naqshbandiy Bahouddin Naqshbanda “Rubayoti Khoja Naqshband” and commented on 137 rubai in Urdu, which were hitherto unknown to the scientific public.

Key words: Bahauddin Naqshband, Sufi, rubai, comments, Muhammad Sadiq Kusuri.

Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна

Профессор кафедрасы «Общественных наук» Бухарского инженерно-технологического института, доктор философских наук

УЧЁННЫЙ ПРОКОММЕНТИРОВАВШИЙ РУБАИ БАҲОУДДИНА НАҚШБАНДА

Аннотация. В статье приводятся сведения о жизни и духовном наследии учёного Мухаммада Садика Кусури, составителя книгу о рубоий основоположника учения Накшбандия Бахоуддина Накшбанда “Рубаёти Хожа Накшбанд” и прокомментировавший 137 рубай на язык урду, которые до сих пор были не известны научной публике.

Ключевые слова: Бахауддин Накшбанд, суфий, рубай, комментарии, Мухаммад Садик Кусури.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N22>

Кириш. Янги Ўзбекистонда ўрта асрларда диний ва дунёвий соҳада илмий изланишлар олиб борган, фаолият юритган буюк алломаларимиз, пир-у

муршидларимиз меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёшларни интеллектуал салоҳиятли, маърифатли, муносиб ворислар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, “Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим... Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур” [8:224]. Шу жиҳатдан, Нақшбандия таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини чуқур ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий меросини мукамал ўрганишга хизмат қилган олим-у тадқиқотчилар ишини ўрганиш зарурдир. Ана шундай алломалардан бири Муҳаммад Содиқ Қусурийдир.

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий мероси ҳақидаги тадқиқотларда у кишидан рубойлар сақланганлиги ҳақида маълумот жуда оз. Биз яқинда топиш бахтига муяссар бўлган 1997 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нашр этилган “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарида Баҳоуддин Нақшбанддан 137-та рубой борлиги маълум бўлди [1,4]. Бу асарни тартибга келтирган ва шарҳлаган аллома ва адиб Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурийдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий меросига оид манбаларга асослаган тадқиқотларда у кишидан насрий ўғитлар сақланганлиги ҳақида маълумотлар бор [5,9-10,12,13]. “Мақомотда” насрий ўғитлари билан бирга назмий парчалар ҳам келтирилган [2]. “Рисолаи қудсия” ва “Рисолаи унция” асарида ҳам маънавий мерослари келтирилган [14,15]. Биз Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларини жамлаб, инглиз ва ўзбек тилида нашр этиш имкониятига эга бўлдик [6]. У кишидан сақланган “Аврод” рисоласини ҳам таржима этдик [3], аммо рубойлари ҳақида маълумотни етарлича топа олмадик. Сайфиддин Сайфуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанднинг 5 та рубойсини [15:10-19], Эргаш Очилов 4 рубойларини таржима этган [7:278].

Баҳоуддин Нақшбанддан рубойлар сақланганлиги ҳақидаги маълумот “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарида берилган. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанддан 137-та рубой борлиги маълум бўлади. Бу асарни тартибга келтирган ва шарҳлаган Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурийдир. Асарда Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини ёзиб, урду тилига шарҳлаган. Шарқда Қуръонга тафсир ёзиш ва манбаларни шарҳлаш Ғарб герменевтик методологиясининг ўзига хос томонидир. Муҳаммад Содиқ Қусурий ҳар бир рубойини тушуниб, моҳиятини англаб, бизларга тушунарли қилиб баён этиш билан шарқона герменевтик услубдан фойдаланган.

Муҳокама. “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарининг “Муқаддима”сида Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурий ҳақида маълумотлар берилган [1:12-39]. Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти Сиалви Мад Зилла (Равалпинди) бу асарда “Муқаддима” ёзган.

Муҳаммад Содиқ Қусурий Аллома 1942 йил 19 май, 3 Жумад-ул-аввал, 1361 ҳижрий йилида, сешанба куни Шаҳобиддин кошоналарида таваллуд топган [1:36]. У кишига Муҳаммад Содиқ деб исм қўйилган. Кейинчалик у киши ўзини уламоларга

Муҳаммад Содиқ Қусурий деб таништирган. Чунки, туғилган қишлоғи — Бурж-Калон, Қусур туманидир.

1960 йил, 18 ёшида у Ганда Сингхвала ўрта мактабини тугатган. Сўнгра Саргоджа қишлоқ хўжалиги департаментида бир йиллик (қишлоқ хўжалиги, дала) курсини тамомлаган. Қусурий 1963 йил 27 июлда Панжоб қишлоқ хўжалиги департаментида меҳнат фаолиятини бошлаган[1:36].

Маълумотлар гувоҳлик беришича 1952 йил апрель ойи аввалида у тасаввуф йўлидаги устозга бориб содиқлик қасамини олган[1:37] ва авлиёлар билан боғланиш оламига кирган. Бу унинг ҳаётига туб бурилиш ясаб, маънавий оламини юксалтирган. Шундан кейин у авлиёлар ҳаётини ўрганиб асарлар ёза бошлаган.

Муҳаммад Содиқ Қусурий адабий фаолияти 1960 йилдан бошланган[1:37]. Улар қўлга қалам олиб, газета ва журналларда турли мавзуларда кўплаб мақолалар ёзганлар. Уларнинг адабиёт оламидаги устози Ҳаким Ал-суннат, Аллома Муҳаммад Мусо Амритсаридир. Ҳаким Соҳиб илм дўсти, илм, адабиёт, маърифат ишқибози ва суннат йўлида жонбозлик кўрсатувчи ёзувчи сифатида танилган. Жаноб Қусури уларнинг услубидан жуда таъсирланган. Ҳаким Соҳибнинг таъкидлашича, улар ўзларининг шахсий кутубхонасини ҳам яратган бўлиб, унда ҳозирда уч мингга яқин китоб мавжуд.

Муҳаммад Содиқ Қусуридан ҳозиргача йигирма битта китоб сақланган[1:37]. Бешта мавзу устида фаол ишлаганлар. Уларнинг маънавий меъросларининг энг қимматлилари қуйидагилардир: [1:37-38]

- **Takmila-e- Tazkira Naqshbandiya** — бу Ҳазрат Аллома Нур Бахш Таваккал тазкираларига такмила бўлди.

- **Akabir Tehrik Pakistan** - ўқилиши зарур бўлган 3 жилддан иборат маълумотлар китоби.

- **Amir Millat aor un ke Xalfa** - Ҳазрати Амир Миллат ва у зотнинг ворисларининг ҳолати, уларнинг диний, миллий, илмий ва адабий хизматлари ҳақидаги тазкира китоби.

- **Irshadat Amir Millat** - Ҳазрат Амир Миллатнинг мақолалари ва ҳикматли сўзларини ўз ичига олган қимматли китобдир.

5) **“Tazkira Naqshbahdiya Hayriya”** - бу 922 саҳифадан иборат кенг қамровли китоб. Қусурий бу китоб учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширган. Муҳсин Аҳле-Суннат ҳазратлари Хожа Абулхайр Муҳаммад Абдуллоҳ жан Мадзилла Ал-Али, китоб унинг номи билан аталган ва унинг кўрсатмаси билан ёзилган. Китоб қизиқарли ва жуда керакли.

6) **“Tazkira Xalfay Aala Hazrat”** — Фозил Барелвий, Имом Аҳл-е-Суннат, Ҳазрат Мавлоно, Шоҳ Аҳмад Ризохон Қуддус Сара(Сира) халифаларнинг ҳолатлари ва хизматлари ҳақидаги жуда яхши китоб. Жаноб Қусури Мадзилланинг барча китоблари шу услубда ёзилган.

7) **“Markazi majlis Amir Millat”** — Ҳазрат Амир Миллат Хожа Пир Саййид Муҳаммад Жамият Али Шоҳ Нақшбандий Мужададий Али бир ишга муҳтож эди. Буюк ёзувчимиз 1977 йилда “Мажлис”га асос солган. Ўша даврдан то вафотига қадар ушбу муборак учрашувга — мажлисга бош бўлган. “Мажлис” Ҳазрат Амир Миллат ҳақида жаноб Қусурий қаламига мансуб тўртта китобни нашр эттирди. Амир Миллат Ҳазратларининг набиралари Ҳазрати Саййид Ахтар Ҳусайин ҳақида ҳам китоб ёзган.

“Мажлис” яна учта китобини ҳам нашр эттирди. Ҳазрат Сирож-ул-Миллат Пир Саййид Муҳаммад Ҳусайн Али Пури муаллифлигидаги ва қози Пир Муҳаммад Карам Шоҳ Соҳиб МадЗилланинг кенг қамровли иши билан бирга нашр этилган “Афзал-ул-Расул” номли сўнгги китобининг ташқи ва ички фазилатлари яхши безатилган.. Бу китобни нашр этиш ишлари кенг тарқалмоқда.

У шунингдек, “Анжуман Ғуламан Мустафо Бурж Қалан” (Қусур тумани) асосчиларидан бири ва ҳанузгача радиоэшиттириш котиби. Туман вице-президенти “Жамаът Аҳл-е-суннат Пакистан” ҳам ўз китобларига сўзбоши ва шарҳлар ёзган.

Натижалар. Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти Сиалви Мад Зилла (Равалпинди) бу асарга ёзган “Муқаддима”сида Қусурийга қуйидагича таъриф берган: “Аллома Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурий авлиёларнинг хизматлари ҳақида ёзиш шарафига муяссар бўлган адиблардан биридир” [1:12]. Бу таърифдан маълум бўладики, Қусурий ўз даврининг алломаси, адиби ва авлиёлар ҳақида асар ёзган мутафаккир экан. Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти маълумот беришича: “Улар кўп иш ёзганлар, лекин «Тазкира-е-Нақшбандия Хайрия» асарлари алоҳидадир” [1:12]. Бу асарга ҳам жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти муқаддима ёзган экан. Муқаддимада ёзилишича: “Аллома Қусурий Мад Зилла олдинга интилди ва улар Саййид Мавлоно Хожа Ҳазрат Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд – Шоҳ Нақшбанднинг рубойларига урдуча шарҳ ёзиб берди”. Маълум бўладики, Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд асарларини жамлаб, уларга шарҳ ёзган. Шарҳлар рубой мазмун-моҳиятини тушуниш ва бошқаларга тушунтириш мақсадида ёзилади. Демак, “Рубойети Хожа Нақшбанд” герменевтик методология асосида ёзилган асардир.

“Муқаддима” муаллифи маълумот беришича, бу шарҳ у кишига уни тузатиш ва унга муқаддима ёзиш учун юборилган. Бу воқеа 1992 йил сентябрь, декабрь ойларида бўлиб ўтган[1:12]. Муаллиф ёзишича, у шу пайтда қаттиқ бетоб бўлиб қолган. Оғриқдан азият чеккан ва оғриқнинг шиддати кучли бўлган. Аммо муаллифнинг эътирофи этишича: “Устоз Ҳазрати Нақшбандга чексиз ихлосим бор. Хасталик чоғимда ҳам рубойларни ўқиб чиқдим, рубойлар устида соатлаб ўтирдим. Бир қанча рубойларнинг кенг маънолари мени Худо билди каерларга олиб кетди. Баъзи рубойлар қалбим ва ҳаёлимда ҳафталарча қолди. Айрим рубойларни ўқигач, ўзимни ажиб оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Бир неча бор ўйлардимки, бу рубойлар 600 юз йил аввал ёзилаётган пайтда Шоҳ Нақшбандга эргашганлар уларни тинглаганда уларнинг қалби қай аҳволда эди?! Улар бунини тушунтириб бера олмаса керак...” [1:12] “Муқаддима” муаллифининг бу сўзларидан маълум бўладики, у кишининг Баҳоуддин Нақшбандга ихлослари жуда кучли бўлган ва рубойларининг юксак даражада ёзилганлиги бу асарни тўла ўқиб чиқиш учун асос бўлган. Шу билан бирга “Муқаддима” муаллифининг эътирофларидан маълум бўладики, Муҳаммад Содиқ Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини жуда яхши англаб, тушуниб, маҳорат билан тушунарли тилда шарҳлаганки, у уларнинг мазмун-моҳиятига мафтун бўлиб ҳайратга тушган. Бу Муҳаммад Содиқ Қусурий рубойларини герменевтик услуб асосида яхши таҳлил этганидан далолат беради. Бу асарни Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини фалсафий таҳлил этишининг методологик асоси сифатида фойдаланиш мумкин.

Хулоса. Юқоридаги тадқиқотлар натижаси асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари борлиги ҳақида маълумот берувчи манба “Рубоёти Хожа Нақшбанд” асарини тўплаб илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этган аллома ва адиб Муҳаммад Содиқ Қусурийдир.

2. Муҳаммад Содиқ Қусурий герменевтик методология асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубойсини мазмун-моҳиятини англаб, шарҳлаган мутафаккирдир.

3. Муҳаммад Содиқ Қусурийнинг шарҳлаш маҳоратига асарнинг муқаддимасида ёзилган фикр-у мулоҳазалар далил бўла олади.

4. “Рубоёти Хожа Нақшбанд” асаридаги шарҳларни урду тилидан таржима этиб, илмий жамоатчиликка етказиш асосий вазифалардан биридир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحيفه
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 112 б.
4. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023 – 84 б.
5. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 256 б.
6. Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г. Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. “Sadridin Salim Buxoriy”. “Durdon” nashriyoti. 2020. 52 б.
7. Донишмандлар тухфаси: Рубойлар/ таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очилов. Т.: “O’ZBEKISTON” 2009. – 400 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б. 464.
9. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
10. Наврўзова Г. Н Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.
11. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. 24 б.
12. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
13. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5-8-б.
14. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 б.
15. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 20 б.
16. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С. Раҳмонов. Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар университети” нашриёти, 2022. 78 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).